- гидравлик (суюқлик ёрдамида) тормоз юритмаси;
- пневматик (ҳаво ёрдамида) тормоз юритмаси;
- комбинациялашган тормоз юритмаси.

Механик тормоз юритмасининг фойдали иш коэффициенти энг кичкина бўлиб, (0,4.....0,6), асосан тўхтатиб туриш тормоз тизимида ишлатилади.

Гидравлик тормоз юритмаси фойдали иш коэффициенти энг катта бўлиб (0,95.....0,98), ишга тушиш вақти энг кам (0,05....0,2с). Енгил ва кичик юк автомобилларининг тормоз тизимида ишлатилади.

Пневматик тормоз юритмаси катта юк автомобиллари, автопоездлар ва катта автобусларда ишлатилади. Унинг ишга тушиш вақти 1с.га яқин.

Комбинациялашган тормоз юритмаси бошқа хил тормоз юритмаларининг афзалликларини ўзида мужассамлаштиради, масалан гидропневматик тормоз юритмаси.

Тормоз юритмасини ҳисоблаш

Тормоз юритмасини ҳисоблашда қуйидагилар аниқланади:

- тормоз юритмасининг узатишлар сони;
- тормоз педалига қўйиладиган куч;
- кучайтиргични қўллаш зарурлиги;

Бажарди	Чориев Х.Ш.				
Раҳбар	Мухитдинов А				
Ўл	Вароқ	Хужжат.№	Имзо	Сана	Вароқ

- ричагларнинг узунлиги;
- асосий ва ишчи тормоз цилиндрларининг диаметри;
- тормоз педалининг йўли ва ҳ.к.

Гидравлик тормоз юритмасини ҳисоблаш Цилиндрлар диаметри маълум бўлса тормоз педалидаги куч қуйидагича аниқланади:

$P' = 1000H$ - дискга қўйилган куч; [Н]

$D = 0.04m$ - асосий тормоз цилиндрининг диаметри;

$D = 0.03m$ - ишчи тормоз цилиндрининг диаметри;

$U_{II} = 2$ - тормоз педалининг узатишлар сони;

$\eta_{ю} = 0.95$ - гидравлик юритманинг фойдали иш коэффициентини.

$$P_{II} = \frac{P' \cdot D^2}{d^2 \cdot U_{II} \cdot \eta_{ю}} = \frac{1000 \cdot 0.04^2}{0.03^2 \cdot 2 \cdot 0.95} = 935,67251H$$

Тормоз педалининг йўли қуйидагича аниқланади:

бу ерда: $V_{олд}$ - тормозланиш вақтида олдинги ғилдирак ишчи цилиндрига кирадиган

суюқлик ҳажми; $V_{орк}$ - тормозланиш вақтида орқа ғилдирак ишчи цилиндрига кирадиган суюқлик ҳажми; $d_{олд} = 0.032m$ - олдинги ғилдирак ишчи цилиндрининг диаметри; $d_{орк} = 0.032$

- орқа ғилдирак ишчи цилиндрининг диаметри; $\delta_{олд} = 0.8$ - олдинги ғилдирак ишчи цилиндри

поршенининг силжиши; $\delta_{орк} = 0.8$ - орқа ғилдирак ишчи цилиндри поршенининг силжиши;

$$V_{олд} = \frac{\pi \cdot d_{олд}^2}{4} \cdot \delta_{олд} = 0.5652 \quad V_{орк} = \frac{\pi \cdot d_{орк}^2}{4} \cdot \delta_{орк} = 0.5652$$



$K_{\phi} = 0.95$ - тормоз суюқлигининг ҳажмини ошишини ҳисобга оладиган коэффициент; $S_o = 0.08m$ - тормоз педалининг эркин йўли;

$$S = \frac{4 \cdot (2V_{олд} + 2V_{орк})}{D^2 \cdot \pi} \cdot U_{II} \cdot K_{\phi} + S_o \cdot U_{II} = \frac{4 \cdot (2 \cdot 0.56 + 2 \cdot 0.56)}{0.04^2 \cdot 3.14} \cdot 2 \cdot 0.95 + 0.08 \cdot 2 = 35cm$$

Бажарди	Чориев Х.Ш.				
Раҳбар	Мухитдинов А				
Ҳ.к.	Вароқ	Хужжат №	Имзо	Сана	Вароқ

Тормоз юритмасидаги кучайтиргични ҳисоблаш

ҳайдовчининг ишини енгиллаштириш учун тормоз юритмаларида кучайтиргичлар кенг қўлланилади. Агар авария ҳолатидаги тормозланишда тормоз педалига йиладиган куч рухсат этилган 700.....800Н дан ошиб кетса, албатта кучайтиргичдан фойдаланилади.




Кучайтиргичлар гидравлик, пневматик ва вакуумли бўлиб, қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- кучайтиргич ҳосил қилаётган куч тормоз педалига қўйилган кучга пропорционал, яъни мувофиқ бўлиши керак;

Бажарди	Чориев Х.Ш.				Вароқ
Раҳбар	Мухитдинов А				
Уш	Вароқ	Хужжат №	Имзо	Сана	

- кучайтиргич ишламай қолганда ҳам тормоз бошқармаси автомобилни тўхтата олиши керак.



Ҳайдовчининг ишини енгиллаштириш учун тормоз юритмаларида кучайтиргичлар кенг қўлланилади. Агар авария ҳолатидаги тормозланишда тормоз педалига йиладиган куч рухсат этилган 700.....800Н дан ошиб кетса, албатта кучайтиргичдан фойдаланилади.

Кучайтиргичлар гидравлик, пневматик ва вакуумли бўлиб, қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- кучайтиргич ҳосил қилаётган куч тормоз педалига қўйилган кучга пропорционал, яъни мувофиқ бўлиши керак;

- кучайтиргич ишламай қолганда ҳам тормоз бошқармаси автомобилни тўхтата олиши керак

Бажарди	Чориев Х.Ш.				
Раҳбар	Мухитдинов А				
Уш	Вароқ	Хужжат №	Имзо	Сана	Вароқ

Кучайтиргичларни ҳисоблашни гидровакуум кучайтиргичи мисолида кўриб чиқамиз. Гидровакуумнинг поршенига таъсир этаётган кучлар қуйидагича аниқланади:

$$(\rho_1 - \rho_2) \cdot F_4 - P_{np} + \rho_c \cdot F_5 = \rho_{\Sigma} \cdot F_5;$$

бу ерда: $\rho_1 = 0.43 \text{ МПа}$ диафрагманинг чап тарафидаги босим; Па

$\rho_2 = 0.36 \text{ МПа}$ диафрагманинг ўнг тарафидаги босим; Па

$F_4 = 0.125$ кучайтиргич диафрагмасининг юзаси; м^2

$P_{np} = 500 \text{ Н}$ диафрагма пружинасининг кучи; Н

ρ_c - гидравлик юритмадаги суюқлик босими; Па

$F_5 = \pi \cdot r^2 = 3.14 \cdot 0.02 = 0.1256$ кучайтиргич поршенининг юзаси; м^2

ρ_{Σ} - поршеннинг ўнг тарафидаги босим; Па

$$\rho_c = \frac{P_{пед} \cdot U_{пед}}{F_1} = \frac{500 \cdot 2}{0.04} = 0.025 \text{ МПа}$$

бу ерда: $P_{пед} = 500 \text{ Н}$ тормоз педалига ҳайдовчи томонидан қўйилган куч;

$U_{пед} = \frac{a}{b} = \frac{20}{10} = 2$ тормоз педалининг узатишлар сони;

$F_1 = 0.04 \text{ м}$ асосий тормоз цилиндри поршенининг диаметри.

формуладан фойдаланиб поршеннинг ўнг тарафидаги босимни аниқлаймиз:

$$\rho_{\Sigma} = (\rho_1 - \rho_2) \cdot \frac{F_4}{F_5} - \frac{P_{np}}{F_5} + \frac{P_{пед} \cdot U_{пед}}{F_1} = (0.43 - 0.36) \cdot \frac{0.125}{0.1256} - \frac{500}{0.1256} + \frac{500 \cdot 2}{0.04} = 0.091 \text{ МПа}$$

Кучайтиргич ишининг самарадорлиги самарадорлик коэффициенти билан баҳоланади ва қуйидагича аниқланади:

$$K_y = \frac{\rho_{\Sigma} - \rho_c}{\rho_c} = \frac{0.091 - 0.025}{0.025} = 2,64$$

Бажарди	Чориев Х.Ш.				
Раҳбар	Мухитдинов А				
Уш	Вароқ	Хужжат №	Имзо	Сана	Вароқ

Замонавий автомобиллардаги кучайтиргичларда $K_y=2..3$ атрофида бўлади, чунки бу қийматлар оширилса, хайдовчи тормоз динамикасини бошқаришда қийналиб қолади.

Тормоз тизими деталларини мустаҳкамликка ҳисоблаш.

Тормоз тизими деталларини мустаҳкамликка ҳисоблашдан олдин оғир авария режимида тормоз тизимида ҳосил бўладиган куч ва моментларни аниқлаш зарур, яъни тормоз педалига максимал $P_{\text{пед}}=700$ Н куч қўйилганда ва илашиш коэффиценти $\varphi=0,8....1,0$ бўлган шароит учун куч ва моментлар аниқланади.

Тормоз юритмасидаги деталларга таъсир қилаётган кучларни аниқлаш $P_{\text{пед}}=700$ Н кучни аниқлаётган деталгача бўлган узатишлар сонига кўпайтириш орқали топилади.

Тормоз тизимининг деталлари кафолатланган мустаҳкамликка эга бўлиши керак, шунинг учун аввал авария режимида тормозланганда деталларнинг мустаҳкамлик бўйича захира коэффиценти 3...5 қийматида бўлиши керак.

Рухсат этилган кучланиш $[\sigma]$ нинг қиймати тормоз деталининг материалига боғлиқ. Агар детал пластик материал (пўлат, алюминий, мис ва б.) дан тайёрланган бўлса рухсат этилган кучланиш материалнинг оқувчанлиги бўйича аниқланади, чунки бу материалларда мустаҳкамлик чегараси оқувчанлик чегарасидан анча юқори ҳисобланади. Агар детал мўрт материалдан тайёрланган бўлса, рухсат этилган кучланиш мустаҳкамлик чегараси орқали аниқланади.

$$[\sigma] = \frac{\sigma}{n} = \frac{150}{4} = 37,5 \text{ МПа}$$

бу ерда: σ - материалнинг мустаҳкамлик чегараси;

n - мустаҳкамлик бўйича захира коэффиценти.

Автомобил авария режимида тормозланганда тормоз барабанида ҳосил бўладиган максимал кучланиш σ_{max} рухсат этилган кучланиш $[\sigma]$ дан

Бажарди	Чориев Х.Ш.				
Раҳбар	Мухитдинов А				
Уш	Вароқ	Хужжат №	Имзо	Сана	Вароқ

кичик бўлиши керак. “Captiva” нинг агрегат, узел ва тизимлари оғир шароит учун хисобланади, чунки оғир шароитда ишлай оладиган агрегат ва тизимлар бошқа шароитларда ҳам бемалол ўз вазифасини бажаради. “Captiva” нинг тормоз тизими учун оғир шароит бўлиб, авария режимидаги тормозланиш хисобланади, чунки йўл транспорт ҳодисасининг олдини олиш учун “Captiva” ни қисқа масофада максимал секилланиш билан тўхтатиш керак бўлади.

Тормоз тизимларининг ривожланиш истиқболлари

Замонавий АБС тизимлари тормоз бошқармасида қўшимча электрон тизимларининг пайдо бўлишига асос солди. Ушбу тизимлар EBM (Electronic Brake Management)- тормозланишнинг электрон бошқаруви ёки DBC (Dyna-mic Brake Control)-тормозланишнинг динамик назорати деб аталади. АБС тизимлари автомобилнинг ҳеч бўлмаганда битта ғилдираги блокировкалан-ганда ишга тушади. Автомобил ҳаракатланганда ҳар бир ғилдиракдаги вертикал юклама ўзгаради ва шу вертикал юкламага мос равишда тормоз моменти ҳосил қилинса, автомобилнинг тормозланиш самарадорлиги ва турғунлиги яхшиланади.

Тормоз тизимини такомиллаштиришнинг бошқа йўналиши бўлиб ЕВА (Electronic Brake Assist)-тормозланишдаги ёрдамчи электрон тизими хисобланади. ЕВА тизими биринчи бўлиб Mercedes автомобилларида қўлланилган, кейинчалик бу тизим бошқа автомобилларга ҳам ўрнатила бошланди. Тизим ишга тушиши учун компьютер кескин тормозланиш жараёни бошла-нишини аниқлайди, бунинг учун у бир қанча омилларни таҳлил этиши керак. Масалан, BMW автомобилларида ЕВА тизими қуйидаги ҳолларда ишга тушади:

- асосий тормоз цилиндрида босим 3 МПа дан ортганда;
- босимни ортиш тезлиги 600 МПа/с бўлганда;
- автомобилнинг тезлиги 5км/соат дан катта бўлганда;
- автомобил орқага юрмаганда;
- ғилдиракларнинг ҳеч бўлмаганда биттаси АБС режимида ишламаганда;

Бажарди	Чориев Х.Ш.				
Раҳбар	Мухитдинов А				
Уш	Вароқ	Хужжат №	Имзо	Сана	Вароқ

Тормозланишнинг электрон бошқарув тизимлари замонавий автомобилларда кенг қўлланила бошланди. Бу тизимлар қуйидагилардир:

Тормозланишнинг электрон бошқарув тизимлари

DSC - турғунликни таъминловчи тизим;

ABS - антиблокировкаловчи тизим;

HDC (Hill Descent Control) - қияликда автомобилни автоматик тормозловчи тизим;

ETS -шатаксирамасликни таъминловчи тизим;

CBC (Cornering Brake Control)- автомобил бурилишида тормоз кучларини бортлар

бўйича тақсимловчи тизим;

EBD (Electronic Brake Distribution) –тормоз кучларини ўқларга электрон тақсимловчи тизим;

EBA (Electronic Brake Assist) - кескин тормозланиш тизими;

EPB (Electronic Parking Brake)- оддий электрон тўхтатиб туриш тормоз тизими;

APB (Automatic Parking Brake)- автоматик электрон тўхтатиб туриш тормоз тизими.

Автомобил тормоз тизимларини янада мукамаллаштириш учун кабель орқали бошқариладиган тормозланиш тизимларидан BBW (Brake By Wire)- фойдаланиш мумкин. Бу тизимларда тормоз педали ва тормоз механизми орасида механик боғланиш бўлмайди. Хайдовчининг буйруқ-лари кабель орқали амалга оширилади. Автомобил қуйидаги афзалликларга эга:

- тормоз йўлининг камайиши;
- тормоз педалининг ростланиши;
- педалдаги титрашларнинг йўқлиги;
- ишлашнинг шовқинсизлиги;
- гидравлик тизимнинг йўқлиги;
- конструкциянинг ихчамлиги

Бажарди	Чориев Х.Ш.					
Раҳбар	Мухитдинов А					
Ҳ.л	Вароқ	Хужжат №	Имзо	Сана		Вароқ

- мукаммалроқ бўлган тизимларнинг (ABS, ESP, TCS, EBA, EBD)
ишлашини таъминланиши ва бошқалар.

Тормоз юритмасининг электрон тизимлари

DCS

ABS

HDS

ETS

CBC

EBD

EBA

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки бу лойиҳасини бажаришимиз давомида берилган конструкцияни тузилиши ва ишлаши жараёнини, унга тасир қиладиган куч ва моментларни аниқлаган ҳолда конструкция деталларини мустаҳкамликка ҳисоблашдан иборат бўлди. Автомобил транспорт воситасининг тўла массасини 20% га оширганда шу автомобиль транспорт воситасини тормоз тизимининг самараси қанақа бўлади, бу турдаги ҳисоблашнинг асосий мақсади тайёр тормоз бошқармаси бошқа автомобиль транспорт воситасига ўрнатилганда ўз вазифасини тўла бажара оладими ёки йўқми деган саволни аниқлашдан иборатдир.

Тормоз механизмидаги моментларини аниқлаш ва тормоз самарадорлик коэффиценти етарли даражада таъминланишини кўриб чиқдик. Шу билан бирга диски тормоз механизми яъни “Captiva” автомобилнинг диски механизмларини ҳамда тормоз юритмасини, тормоз вакуум кучайтиргичларини ҳисоблашдан иборат бўлди. Ҳисоб китоб жараёнида тормоз педалига қўйилга куч ва поршендаги босим орасидаги боғланишни кўриб чиқдик. Вакуум кучайтиргич ишнинг самарадорлиги, самарадорлик коэффиценти билан баҳоланди ва 2....3 атрофида бўлган коэффицентни қабул қилди. Тормоз тизимида деталларини мустаҳкамликка ҳисоблаш, тормоз тизимининг деталлари кафолатланган мустаҳкамликка эга бўлишини кўриб чиқдик ва руҳсат этилган кучланиш қиймати тормоз деталининг мусатаҳкамлик деталига боғлиқ бўлиб, автомобиль авария режимида

Бажарди	Чориев Х.Ш.					
Раҳбар	Мухитдинов А					
Уш	Вароқ	Хужжат №	Имзо	Сана		Вароқ

тормозланганда тормоз дискида ҳосил бўладиган максимал кучланиш руҳсат этилган кучланишдан кичик бўлишини текишириб кўрдик.

Автомобилни лойихалашнинг асосий мақсади илгор ва иктисодий асосланган автомобиль турларини яратишдан иборат. Янги автомобилларни яратишда уларнинг афзалликлари ва мукамалликларини баҳолаш учун ишлаб чиқарувчи ва фойдаланувчи корхоналар учун умумий булган мезон ва улчагичлардан фойдаланилади. Хар қандай маҳсулот учун, шу жумладан автомобиль учун ҳам асосий мезон булиб унинг сифати ҳисобланади.

Вакуум кучайтиргичнинг узел ва деталларини йиғиш технологияси

Биз вакуум кучайтиргичнинг узел ва деталларини йиғишимиз жараёнида биринчи бўлиб кучайтиргич қопқоғига турткини жойлаштирамиз ва шу турткига зичлагич, масофавий халқа шу билан бирга стопр халқасини ўрнатамиз, бу халқалар чиқиб кетмаслиги учун ҳаво филтиридан кейин, химоя қалпоқчасининг обоймаси қўйилиб диафрагмага бириктириб йиғамиз. Клапан корпусини диафрагмага ўрнатиб сўнгра клапан корпусини қайтарувчи пружина қўйиб қопқоқ билан биргаликда йиғамиз ва қопқоққа шток, буферни штокнинг зичлагичи, обоймаси билан чиқиб кетмаслик учун маҳкамлаймиз ва вакуум кучайтиргични тайёр ҳолатида йиғиб оламиз “Captive” нинг агрегат, узел ва тизимлари оғир шароит учун ҳисобланади, чунки оғир шароитда ишлай оладиган агрегат ва тизимлар бошқа шароитларда ҳам бемалол ўз вазифасини бажаради.

“Captive” нинг тормоз тизими учун оғир шароит бўлиб, авария режимидаги тормозланиш ҳисобланади, чунки йўл транспорт ҳодисасининг олдини олиш учун автомобилни қисқа масофада максимал секилланиш билан тўхтатиш керак бўлади.

Бажарди	Чориев Х.Ш.					
Раҳбар	Мухитдинов А					
Уш	Вароқ	Хужжат №	Имзо	Сана		Вароқ

Ҳайдоачиларнинг иш жойларига қўйилган талаблар

Ҳайдоачиларнинг иш жойларига қўйилган санитар-гигиеник характеристикалар (хайдовчининг иш жойи , санитар паспорти)

1.Кабина (юк автомобилларида) салон автобус ва енгил автомобилларда:

-гермитика.

-пол гиламчалари (резинадан тайёрланган)

-ўриндиқлар материаллари (ёз-иссиқ пайтларида терлатмайдиган, қиш-совуқ мавсумда совуқ бермайдиган материаллардан тайёрланиши лозим)

2.Ўриндиқлар:

-ўриндиқлар материалларининг ҳолати

-қопламалари (набивкалар) ҳолати (пахта,ёки синтетик юмшоқ материаллар-паралон ва бошқалар)

-ўриндиқлар ҳолатини ўзгартириш регулировка механизмининг созлиги

-қишда совуқ мавсумда иситиладиган

3.Кабина салонларининг ойналари

-олди пешойна ҳолати (катта, кичик бутун ёки икки қисмдан тузилган бўлиши мумкин.

-орқа пешойна ҳолати

-ёнбошдаги ойналар ҳолати

-ойна тозалагичлар ҳолати

-ойна кўтарги члар ҳолати

4.Орқани кўриш кўзгу ҳолати (ёритиладиган қиздирадиган бўлиши мумкин)

5.Шамоллатиш тизими ҳолати

6.Иситиш тизими

7.Иш зонасидаги ҳаво таркиби

8.Тебраниш даражаси (рессорли ёки пневмобаллони автобусларни мисол келтириш мумкин)

-иш жойидаги умумий даражаси

-узатиш қутиси, тормоз, узиш педаллари

Бажарди	Чориев Х.Ш.				
Раҳбар	Мухитдинов А				
Уш	Вароқ	Хужжат.№	Имзо	Сана	Вароқ

9.Шовқин даражаси

-ташқи шовқин

-ички шовқин

10.Кабинадаги инфратовуш даражаси, инфра товушнинг “Инфра товушнинг иш жойларидаги меъёрлари” асосида 110 узунлудикдан ошмаслиги лозим.

11.Двигателлардан чиқадиган токсик газлар миқдори ҳам белгиланган ЧРЭКлардан ошмаслиги лозим.

Кабина, салон ичидаги харорат ташқаридаги хароратга нисбатан 3°C дан ошмаслиги лозим.

Хайдовчининг иш жойи автомобиль кабинасида, салонида жойлашган бўлади. Иш жойи ва кабина конструктив томондан шундай бўлиши керакки, хайдовчининг кўринмайдиган йўл қисми 6 метрдан ошмаслиги керак юк автомобиллари учун. Агар кабина двигатель тепасида бўлса автомобиллар учун бу масофа 4 метрдан ошмаслиги керак. Автобуслар учун олди буфернинг ўнг хайдовчи кўринмайдиган йўли чет қирғоғи 6 метрдан ошмаслиги лозим. Вагон типдаги автобуслар учун бу масофа янада қисқароқ бўлади. (М-Бенц, Исузу, РАФ, Газель ва бошқалар). Тошкент шаҳрига келтирилган янги Мерседес-Бенц-Конекта автобусларининг хайдовчи ўриндиғи янада пастроқда жойлашган бўлиб, у ўнг ва чап томонидаги хавфлиликларни 1-1.5 метр масофадан кўра олади. Олдинги кўриш обзори горизонтал майдонида 180°С кам бўлмаслиги, тепани кўриш бурчаги горизонтал майдонда 8°С дан ошмаслиги лозим. Олдинги пешойналар қиш мавсумида буғланиб ёки музлаб қолмаслиги учун алоҳида вентиляторлар орқали иссиқ ҳаво бериб турилади. ГАЗ-2410 Нексия, Матиз ва бошқа енгил автомобилларда орқа пешойналар ҳам электр қаршилик симлари орқали қизитилади ёки иссиқ ҳаво билан вентиляция қилинади. Хайдовчи ўриндиқлари автобусларда алоҳида ажратилади. Бу масалада эргономика фанини автомобилсозликда қўлланилишини кўриб ўтдик. Катта юк автомобилларида ва шаҳарлараро қатнайдиغان автобусларда хайдовчиларнинг навбат билан ётиб дам олиб кетишлари учун алоҳида

Бажарди	Чориев Х.Ш.				
Раҳбар	Мухитдинов А				
Уш	Вароқ	Хужжат.№	Имзо	Сана	Вароқ

жойлар уларни конструкциялашда кўзда тутилади. Бу эса хайдовчиларнинг чарчаб, авария қилиб қўйишлари олдини олади.

Автомобилни бошқарув органлари ҳам қулай жойларда ўрнатилиши лозим. Бошқарув дастгоҳлари орасидаги бир-бирини 60 ммдан кам бўлмаслиги, рул бошқаруви приборлари панелидан 80мм да бўлиши лозим. Кабина, хайдовчилар ўтирадиган салон қисмлари сунъий шамоллатиш вентиляторлари билан таъминланиб, улар 30м³/соат ҳар бир хайдовчи учун ҳаво алмашувини таъминлаши лозим. Ёз пайтларида кўплаб автомобилларда кондиционерлар ишлатилади. Иссиқ ёки совутилган ҳавони регулятор орқали оёққа, танага, бошга, олди пешойнага йўналтириш мумкин. Кабина ва салонлар ҳавосининг исиб кетиши чекланган +45⁰Сдан ошмаслиги лозим. Лекин бизнинг шароитда айниқса двигателлар олд томонда ёки пастда (Камаз, Маз) жойлашган бўлса, бу шартни бажариш қийин, бунинг учун улар ҳам кондиционерлар билан таъминланган бўлиши лозим. Хайдовчи кабинасида (салонда) чегараланган углерод окиси 20мг/м³дан, акролеин-0,7мг/м³ (дизел автомобилларда), бензин парлари-100мг/м³, олтингугурт ангидриди-10мг/м³дан ошмаслиги керак. Этилланган бензин ишлатилганда кўрғошин концентрацияси аниқланади . Бир сменадаги ЧРЭК (ПДК) ни бир сменада 0,01-0,007мг/м³ ошмаслиги керак. Кабина, салон бириктирувчилари ойна, эшиклар, люклар (автомобиллар томларида очиладиган бўлади) чанг ва сувни ўтказмасликлари лозим. Кабина, салон эшиклари ичидан ва ташқаридан ёпиладиган, силжимайдиган кўтариладиган ойналар бўлиши, қуёш нуридан сақлайдиган химоя пардаси, бўлган козиреклар бўлиши, плафон-лампа (автобусларда ҳар бир йўловчи ўриндиқлари тепасида, лампа ва шамоллатиш тирқишлари бўлиши керак), приборлар панелда жойлашган бўлади, назорат ускуналари дастгоҳлар ёритилиб туриши керак. Меҳнат муҳофазаси стандартлар тизимида ҳар бир машина, станок, асбоб, ишлаб чиқариш қуролларига уларни конструкцияларига хавфсиз меҳнатни ташкил қилиш талаблари белгиланган. Хавфсизлик шартлари автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлашда ишлатиладиган асбоб-ускуна, станок ва

Бажарди	Чориев Х.Ш.					Вароқ
Раҳбар	Мухитдинов А					
Уш	Вароқ	Хужжат №	Имзо	Сана		

бошқа фойдаланиладиган гараж ускуналарига ҳам уларни конструкциялашда хавфсизликни таъминлаш биринчи навбатда кўзда тутилади. Барча айланадиган, ҳаракатланадиган одамга хавф соладиган станок, асбоб-ускуна қисмлари, тўсиқлар билан тўсилади. (НС-12, компрессорларни тасмалари ва х.к.). Агар ускуна станокларда хизмат тикка туриб кўрсатилса, унда бошқарув органларини 1600 мм гача баландликда ўтириб бажарилса- 1200 мм гача баландликда ўрнатилади. Бошқарув органлари фавқулодда тебранишдан ёки силкинишдан узилиб қолмаслиги керак. Оғирлиги 20кг дан ортиқ деталларни кўтаришда силжитишда (тирсакли валларни силлиқлашда) ҳам юк кўтаргичлардан фойдаланилади. Электр тельфер, талларда юкни фиксировка қиладиган механизмлар ўрнатилган бўлиб улар микро ток узувчилар юқорида ўрнатилган кнопка орқали узиб қўйиб асосий кўтаргич электродвигателини токдан узиб қўяди. Барча юк кўтаргичлар (кўл тельферлари бундан мустасно) ҳар йили бир марта статик ва динамик равишда синовлардан ўтказилиши шарт. Бу тўғрисида тельфернинг тепа қисмига қора фон бўёқ билан бўялган табличкага оқ ёзувлар билан келгуси синов муддати кўрсатилиб қўйилади. Кузатиш чуқурликларида, ҳаракатланадиган лампалар 12-42В кучланишли токда ишлайдиган бўлиши лозим. (электр хавфсизлиги алоҳида мавзуда тўхталиб ўтилган). Агар АТКларда автомобилларни ҳаракатга келтирувчи конвейерлар қўлланса (ТХ-1, ювишда) унда ҳар постда лампали ва товушли сигнал бериш, конвейерни тўхтатиш тугмачалари бўлиши шарт. Умуман АТК, АС кўп тарқалган техника хавфсизлиги воситаларига, хавфли жойларни тўсиш (сув хавзаларини, ёнғинга қарши сув ховузларини ҳам тўсиши лозим, очик бўлганда болалар чўмилиб чўккан ҳоллари ҳам бўлган) қозонхоналарда хавфликни олдини оладиган клапанларни қўллаш, юк кўтаришни чеклаш ва хавфлиликни олдини олувчи (концевые) охирги узатгич ўчиргичлардан фойдаланилади. Сигнализация (ёнғин олдини олиш бўйича ҳам)га 24 Вольтли автомобилларда аккумуляторларни массасини узиб қўйиш, газсимон ёнилғилардан тўғри фойдаланиш ва шу жараёнга ўрнатилган қоидаларни бажариш, масофадан бошқариш, айрим

Бажарди	Чориев Х.Ш.				
Раҳбар	Мухитдинов А				
Уш	Вароқ	Хужжат №	Имзо	Сана	Вароқ

жараёнларни автоматлаштиришлар киради (дарвозаларни очиб-ёпилишида фото элементлардан фойдаланиш, айниқса совуқ пайтларда). Техник воситаларга ҳар хил чекловчи, чегараловчи, таъқиқловчи белгилар, юк кўтаришни, босимни чекловчи ҳамда юқори кучланиш мавжудлигини огоҳлантирувчи белгилар киради.

Компьютерда ишлаш хавфсизлиги

Компьютер улангандан кейин оператор қуйидагиларни ва кетма-кетликни бажариш шарт;

-токка улаш блокини улаш;

-периферий мосламаларни (принтер, монитор, сканер ва бошқаларни)улаш.

-тизим блоки (процессори)ни улаш.

-иш жойини мослиги аттестацияси ҳақидаги маълумотлар бўлмаса ёки иш жойи параметрлари ўрнатилган ШК мосланмаган бўлса тўғрилаш;

-“тўла химоя экрани”бўлмаса ишни тўхтатиш, ёки уни мониторга ўрнатиш;.

-химоя филтри ерга уланган сим узилган ёки узиб қўйилган бўлса уни тўғрилаш;

-мосламалар носоз бўлса раҳбариятга хабар бериш;

-химоя ерга улаш сими бўлмаса уни улаб қўйиш;

-углекислот ёки кукунли ўт ўчиргич ва биринчи ёрдам аптекаси бўмаса хабар бериш.

Иш вақтидаги техника хавфсизлиги.

Иш вақтида оператор қуйидагиларни бажаришга мажбур.

-фақат унга вазифа қилинган ишни бажариш ва у бу ҳақда маълумот олиш;

-иш давомида жойини озода ва тартибли сақлаш;

-мосламаларни шамоллатиш тешикларини очиқ ҳолда сақлаш.

-ташқи мосламани ,” мишка “ни фақат махсус гиламча устида ишлатиш.

-агар ишни маълум вақтда тўхтатса барча актив топшириқларни ёпиб қўйиш.

Бажарди	Чориев Х.Ш.					
Раҳбар	Мухитдинов А					
Уш	Вароқ	Хужжат.№	Имзо	Сана		Вароқ

- ШКни токдан узиш фақат оператор танаффусга чиққанда 2 м узоқда бўлганда рухсат этилади, қолган ҳолларда ШКни узиб қўйиш мумкин эмас.
- санитар меъёрларни бажариш ва иш режимини бажариш (дам олиш, тушлик қилиш ва х.к.)
- синаш техникасига оид мосламаларни эксплуатация қилиш бўйича кўрсатилган йўриқномаларни бажариш.
- текстни ахборотлар билан ишлаганда физиологик режимни энг қулайини , оқ фонда қора символларни танлаб олиш.

Ўрнатилган иш режимига итоат этиш, вақтида танаффус қилишда ва “физкультфаузларда” ҳамда “физкультминутларда” кўз, бўйин, қўллар, тана ва оёқлар билан бадан тарбия ишларини бажариш:

-кўзларнинг экрандан 60-80см узоқда туришига итоат этиш.

Иш вақтида қуйидагилар ман этилади:

- орқа ток ўтадиган панелга ток уланган пайтда қўл билан тегиш.
- бир вақтда қўл билан монитор экрани ва клавиатурага қўл тегиши.
- ток уланиб турганда периферий кабелларни ўчириш ва қайта улаш.
- панель тепасига ҳар хил қоғозлар, чет предметлар қўйиш.
- иш асосини ҳар хил ишлатилган қоғоз ва чанглардан тозалаб туриш.
- актив вазифаларни бажараётганда ШКни ўчириб қўйиш.
- бутун ШК мосламаларини намланиш ва хўлланишдан сақлаш.
- очиш , таъмирлаш ишлари.
- ишлатилаётган символлар қиймат сонини 4 соатда 30 мингдан оширмаслик.

Фавқулодда аварияли вазиятларда техника хавфсизлиги талаблари

Оператор мажбур:

- симларнинг узилиши, қисқа туташуви, ёнғин хавфсизлиги ёнғин хавфи чиқиши ва бошқа электр ускуналар бузилганда дарров вилкани разеткадан чиқариб, бу ҳақда раҳбарга ёки навбатчи электрикка хабар бериш.

Бажарди	Чориев Х.Ш.				
Раҳбар	Мухитдинов А				
Уш	Вароқ	Хужжат №	Имзо	Сана	

Вароқ

- одам электр токи билан жарохатланганда уни тезда токдан ажратиб олиб биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш.
- агар ШКда қандайдир носозлик (сбой) пайдо бўлиб қолса тезда муҳандис-техник ходимларини чақириш .
- иш пайтида кўз оғриши, диққатни бир жойга тўплаш, кўришнинг сусайиши, қўл, бармоқларга оғриқ пайдо бўлса, юрак уриши тезлашса тезда иш жойини ташлаб бошлиққа мурожаат этиш.
- ёнгин пайдо бўлганда ўчириш воситаларидан фойдаланиб оловни ўчиришга ҳаракат қилиш.(бунда мавжуд кукунли ўт ўчиргичдан фойдаланиш мақул).

Иш тугагандан кейин техника хавфсизлиги талаблари

Иш тугагандан кейин оператор қуйидаги кетма-кетликка риоя қилиши ШКни ўчириш;

- барча актив вазифаларни беркитиш;
- диск киритиш жойида дисклар йўқлиги ишонч ҳосил қилиш;
- процессор –тизимли блокни ўчириш;
- бошқа четдаги –периферийн ускуналарни ўчириш;
- электр токи билан таъминлаш блокини токдан ўчириш.

Кўриш қобилияти зўриқиш муаммолари.

Компьютерлаштиришнинг биринчи йилларидаёқ, компьютерда ишловчилар кўзининг ўзига хос чарчаш компьютерда кўриш синдроми ККС аниқланган.

(CVS-computer vision sundrome) унинг пайдо бўлиш сабаблари қуйидагича:

- аввало одамнинг миллионлаб йиллар давомида шаклланган кўриш тизими объектларнинг унга тушиб қайтган нурни сезишга асосланган. Дисплей билан ишлаш бу тизимни тез чарчатади. Дисплейдаги тасвир кўзга ўрганиш бўлган объектлардан фарқли ўлароқ ёруғлик тарқатади - у дискрет нуқталардан иборат, улар маълум частотада ўчиб ёниб “липиллаб” турадилар, рангли (қоронғида автомобил фараларининг ўчиб ёниши ҳолати) компьютер тасвири табиий рангларга мос келмайди, лекин фақат бугина эмас. Соатлаб компьютерда ишлашда кўзда бўшашиш фазаси бўлмайди,

Бажарди	Чориев Х.Ш.				
Раҳбар	Мухитдинов А				
Уш	Вароқ	Хужжат.№	Имзо	Сана	Вароқ

кўзлар зўриқади, иш қобилияти пасаяди. Кўзлар учун энг катта зўриқиш компьютерга маълумот киритишда юз беради, чунки компьютерчи дам - бадам турли масофада жойлашган ва турли ёритилган экранга, матнга ва клавиатурага қарашга мажбур.

Кўз чарчаши нималарда кўринади? Ҳозирда миллионлаб фойдаланувчилар кўришнинг туманлашув, яқиндан узоққа ва узоқда яқинга қарашдаги қийинчилик, предметлар рангининг ўзгарганга ўхшаш, иккита бўлиб кўриниши, кўз соққасининг ачиши, “қумланиб” қолиши, қошларнинг қизариши, кўз ҳаракати вақтида оғриқлар ва х.к.

Микрожароҳатлар.

Микрожароҳатлар кундалик зўриқишлар таъсирида организмнинг ейилиши организмдаги кўплаб бузилишлар микрожароҳатлар тўпланиши натижасида юз беради. Бу турдаги жароҳатланиш қўл ёки оёқ синиши каби тўсатдан юз бермайди (макрожароҳат). Оғриқ сезилгунча фойдаланувчи бир неча ой давомида нотўғри позада ўтириш ёки такрорланувчи ҳаракатлар қилиш мумкин.

Оғриқ турлича сезилади мумкин: ачишиш, санчик ёки ачишгандагидек оғриқ ва б.

Тана ҳолати.

Компьютерда ишлашда тананинг тўғри ҳолати бўйин, қўл, оёқ ва бел оғриқларини олдини олишда тана ҳолати оптимал бўлиши керак.

Тананинг тўғри ҳолати

Компьютерда ишлаганда одатдагидан 2.5см баланд ўтириш яхшироқ. Қулоқлар елка майдонида аниқ бўлиши керак. Бош икки елкага нисбатан тўғри туриши ва бирор елкага эгилмаслиги зарур. Пастга қараганда бош бўйин тепасида тўғри жойлашиши ва олдинга энгашмаслиги керак. Букчайиб ўтириш умуртқа поғонаси зўриқишини кучайтиради ва қўйидаги касалликларга олиб келади:

- билак касали синдроми;
- бел умуртқаси бўғинлари грижаси;
- бўйин умуртқаси бўғинлари грижаси;

Бажарди	Чориев Х.Ш.					Вароқ
Раҳбар	Мухитдинов А					
Уш	Вароқ	Хужжат.№	Имзо	Сана		

-монитор экранига қараганда фойдаланувчи зўриқади, натижада бўйинни олдинга эгади, бўйин томирларида қон оқими чекланади.

Шахсий компьютерга қўйиладиган талаблар:

Замонавий монитор умум қабул қилинган 3та хавфсизлик ва эргономик стандартларига жавоб бериши керак

-FCC class B-атроф муҳитни ёпиқ бўшлиқда радиотўлқинларидан химоялаш (яъни жихоз телерадиопаратлар ишига тўсқинлик қилмаслиги)

-MPR II-саноати қондаси техника ва компьютер мониторларидан тарқаладиган нурланишларни чеклашларни белгилайди.

-TCO 95 (TCO 99) қондалари атроф муҳит билан ўзаро таъсирни тартибга солади. У фойдаланувчини техник имконият даражасида электр ва магнит майдоин таъсиридан химоялаш талабларини белгилайди.

-EPA Energy star VESA DPMS-бу стандартга кўра энергия тежамкорлик режимларида кутиш (stand by), тўхтаб туриш (suspend) ва уйқу (off) иш қобилиятини сақлаш зарур.

Монитор тасвир параметрларини ўзгартириш имкониятини таъминлаши зарур. Монитор вертикал тўлқин тарқалиши частотаси 75Гцдан кам бўлмаслиги зарур, акс ҳолда тасвир липиллаб кўзни тез чарчатади.

Ахборот киритиш қурилмаси.

Монитордан фарқли ўлароқ клавиатура ва “сичқонча” кенг тарқалган буларга стандартлар мавжуд эмас.

Иш жойини эргономик ташкил этиш ,касалликларни зўрайиб кетишининг олдини олади

Иш жойи фазаси ўлчашлари Иш жойи яқин зонаси қўл тирсагини танага тегиб турган пайтдаги, узоқ зонаси қўл узатилган пайтдаги ҳудудни ташкил этади.

Клавиатура билан ишлаш.

Клавиатура стол қирғоғидан 10-15см ичкарироқ туриши, кафт махсус юзага тиралиб туриши, қўл елкага тўғри бурчак остида тирсаккача столга параллел туриши, стол юзаси клавиатурани ичкари суриб қўлни столга бутунлай қўйиш имконини бериши керак.

Бажарди	Чориев Х.Ш.				
Раҳбар	Мухитдинов А				
Уш	Вароқ	Хужжат.№	Имзо	Сана	

Вароқ

Кресло (ўриндик)

Кресло физиологик оқилона позада ўтиришни таъминлаши, албатта қўл учун тиргакка эга бўлиши ва уларда ҳолатни ўзгартириш имконияти бўлиши лозим. Кресло айланувчи ва осон бошқарилувчи (мосланувчи) бўлиши керак.

Компьютерда ишлаш ҳолати.

- оёқлар полга ёки оёқ тиргагича бир текис қўйилган.
- бел бир оз эгилган ва кресло суянчиққа тегиб туриши.
- қўллар қулай ва эркин жойлашиши
- елка чизиғи сон чизиғи тепасида жойлашиши
- тирсаклар юмшоқ тирсак тиргаклари қўйилган ва танадан 3см узоқликда, билаклар нейтрал ҳолда (кўтарилган ҳам эмас, туширилган ҳам эмас).

“Тасвир” журналининг 2009 йил 10 сонида компьютерларнинг инсонларга бўлган ўта ёмон таъсири келтирилган.

Ҳозирги юқори технологик ривожланиш асрида кўплаб инсонлар компьютер ўйинларига қизиқиб кетганлар. Шу туфайли уларнинг кўплари соғлиқлари ёмонлашиб касалхоналарга тушмоқдалар ёки ўлим билан тугамокда. Жанубий Қуриялик Ли исмли йигит компьютерда 50 соатлик узлуксиз (марофон) ўйин ўйнаб натижада вафот этган.

У ўз хаётида компьютердан бошқа нарсани билмаган уйқу, дам олиш, овқатланишни эсидан чиқарган. Яна бир мисол, Жанубий Қуриялик йигит харбий хизматда бўлиб бўш соатларда компьютерда уриш, ўлдириш ўйинларини кўп бўш соатларда ўйнаб кўрган, ўйнаган нарсаларини хаётга тадбиқ этиб ўзи ўзи ётган казармага граната отган. Натижада учта аскар вафот этган.

Автоматик сигнализация воситалари

Ёнғинни автоматик усулда ўчириш.

Автотранспортда автоматик равишда ўт ўчиргич тизими қўлланиши мумкин. Бу тизимда ўчириш моддалари сув, хар хил нейтрал газлар ва кукунлар қўлланиши мумкин. Сув билан автоматик равишда ўчириш тизимига спринклерли ва дренчерли ускуналар киради. Спринклер тизим

Бажарди	Чориев Х.Ш.				
Раҳбар	Мухитдинов А				
Уш	Вароқ	Хужжат №	Имзо	Сана	Вароқ

ишлатилганга у автоматик равишда ёнишни ўчиради ва ёнғин тўғрисида тревога сигналини чиқаради. Буларни ёниш тезлиги 1...3м/мин бўладиган жойларда қўллаш маъқул. Сув “СВ” ёки “СП” русумли спринклер каллачаларидан чиқади. Сув чиқиш қопқоғлари енгил эрийдиган металллардан ёки ойнадан тайёрланган қулфлар билан бекитилган бўлади. Қулфларнинг эриш харорати 72⁰Сга тенг. Ёнғин металлларини эритиб сув қулфини очиб юборади ва ёниш автоматик равишда ўчирилади. Спринклер каллачасидаги тешик 12мм бўлса 9м² 17мм бўлса 27м² майдондаги оловни ўчиради.

Хозирга пайтда спринклерларнинг янги самарали турлари ишлаб чиқилган. Дрангерли ўт ўчириш тизими-бу атрофга таралган трубапроводлар тизими бўлиб улар объектлар тепасига жойлаштирилган бўлади. Дренчерли тизимларда ДП. ДВ ва кўпикли ДПД оростителлардан фойдаланилади. Спринклерли тизимдан енгил эриувчи қулфлари йўғлиги билан фарқ қилади. Каллачаларидаги тешиклар 8.10 ёки 12.7 мм, суғориш майдони 12м³га тенг. Кейинги пайтда жуда дренчерли тизимлар катта биноларда ишлатилмоқда. Каллачаларидаги тешиклар тирқишлар узунасига бўлиб 5.2м баландликда жойлаштирилганда сув босими 15-35м бўлганда 210м² майдони суғориши мумкин.

Ёнғин ҳақида дарак бериш ва алоқа воситалари

Ёнғин ҳақида тезда хабар бериш учун юқори хавфли ҳисобланган технологик ускуналарда, ишлаб чиқариш биноларида, офис, маъмурий биноларда, мактаб ва институт хона ва аудиторияларида ҳам даракчи воситалари ўрнатилади. Даракчи восита алоқасининг бўлиш ёнғиндан огоҳлантириш, олдини олиш, ёнаётган манбани, манзилни ўз вақтида билиб олишга ёрдам беради. Ҳам ўт ўчириш бўлимини тездан чақиришда ва уни ўчирилишини бошқаришда, раҳбарлик қилишда, ходисани бартараф қилишда ёрдам беради.

Ёнғин алоқаси ўз навбатида, дарак бериш, диспетчерлик (қоровул хоналарда ҳар этаж, хоналарни ҳисобга олган ҳолда сигнални қабул қилиш аппаратлари ўрнатилади.) ва ёнғин вақтидаги алоқа турига бўлинади. Алоқа

Бажарди	Чориев Х.Ш.				
Раҳбар	Мухитдинов А				
Уш	Вароқ	Хужжат №	Имзо	Сана	Вароқ

асосан электр, телефонлар ёрдамида уюштирилади. Автоматик алоқа воситаси ёниш бошланиши вақтида манзил ҳақида аниқ маълумот беради. Ёниш манбаини белгилаб маълумот беришда оптик нурлар, аланганинг ҳаракат тебраниши, тутун чиқиши, иссиқлик нури, атроф муҳитнинг ионланиш даражаси, ҳарорат ва босимни ўзгариши каби муҳим ҳолатлардан сигналлар чиқариш ва уни кучайтириб бериш сигнализациялар асосидир.

Ёнғин чиққанда одам ва транспорт воситаларини эвакуация қилиш бўйича маъмурият вазифалари, одам автомобил, жихозлар ва бошқа моддий бойликларни ёнғин чиққанда тезда эвакуация қилиш учун автотранспорт корхоналарида олдиндан эвакуация режаси тузилган бўлиши ва у одамлар кўрадиган ўнғай жойларга (автосафлар,этажлар, цех, участкалар ва бошқа одамлар ишлайдиган) осиб қўйилиши шарт.

Автокорхоналарда кўпинча ёнғин тунги вақтларда келиб чиқади. (Автомобилларни ёниб кетиши эҳтимоли жадвалига қаралсин). Ёнғин чиққанда қоровул , навбатчи механик ва нозимлар учун алоҳида вазифалари олдиндан белгилаб қўйилади. Қоровул ёнғин чиқиши (тунда) зудлик билан навбатчи механикка, навбатчи механик нозимга етказиб ўзи қоровул ва навбатчи автомобил хайдовчиси билан , биргаликда ёнган ёки унга яқин автомобилларни автобусларни захира дарвозаси орқали ташқарига ҳавфсиз жойга олиб чиқариш учун ҳаракат қилади. Нозим зудлик билан 01-ёнғин давлат назорати ходимларига қўнғироқ қилади ва раҳбарларнинг уйига ҳам қўнғироқ қилиб иложи бўлса навбатчи автобусни жўнатади.

Меҳнат муҳофазасини ташкил этиш ва бўлими вазифалари

Меҳнат муҳофазасини ташкил этиш қуйдаги жарёнларда ўз аксини топади;

-ишчилар томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича меъёрлар, қоидалар, буйруқлар ва кўрсатмаларга риоя этилишини таъминлаш;

-бевосита уларга бўйсунадиган ишчилар билан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни белгиланган муддатларда ўтказиш;

Бажарди	Чориев Х.Ш.				
Раҳбар	Мухитдинов А				
Уш	Вароқ	Хужжат.№	Имзо	Сана	Вароқ

-ходимларни мазкур ишни бажаришининг хавфсиз усуллариغا ўргатмай ва улар билимини текширмай, олдиндан йўриқнома ўтказмай мустақил ишга қўймаслик;

-носоз ускуна ва асбобдан фойдаланишга йўл қўймаслик, носоз ускуналарга огоҳлантирувчи ёзувли тахтача илиб қўйиш;

-ҳар ойда камида бир марта асбобларнинг яроқсизларини ажратишни амалга ошириш, шунингдек ишчиларни соз асбоблар билан таъминлаш;

-ишловчиларга меъёр бўйича тааллуқли бўлган махсус кийим, махсус пойафзал, бошқа якка тартибда ҳимоя воситалари, совун ва нейтраллайдиган моддаларнинг мавжудлигини ва улар томонидан қўлланишини назорат қилиш;

-махсус кийимни ўз вақтида кимё йўли билан тозалаш ёки ювишни, шунингдек махсус кийим ва махсус пойафзални таъмирлашни назорат қилиш;

-қўл остидаги ишчилар учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш;

-иш жойларида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларнинг мавжудлигини, шунингдек ишлаб чиқаришнинг барча хавфли участкаларида кўринарли жойларда огоҳлантирувчи ёзувлар, хавфсиз плакатлар ва белгилари мавжуд бўлишини таъминлаш;

-ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текширишни ўтказиш, бу ҳолларни келтириб чиқарган сабабларни ўрганиш, уларнинг олдини олиш учун чоралар кўриш;

-меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича режани тузишда иштирок этиш ва унинг бажарилишини таъминлаш;

-янги ускунани (шунингдек таъмирдан чиққан ускунани) меҳнатни муҳофаза қилиш муҳандиси билан келишмай туриб фойдаланишга топширмаслик;

-меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимида кўзда тутилган мажбуриятларни бажариш.

Бажарди	Чориев Х.Ш.				
Раҳбар	Мухитдинов А				
Уш	Вароқ	Хужжат №	Имзо	Сана	

УМУМИЙ ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтишимиз керакки Битирув малакавий ишим бўйича бажарган барча ишларимиз келажакда биз учун асосий пойдевор ҳисобланади. Шундай экан автомобил транспорти соҳаси балки бошқа соҳаларда ҳам ўз фаолиятимизни аёло даражада олиб боришимиз зарур бўлади.

Битирув малакавий ишимни бажаришимда асосан қуйдаги режалар асосида таёрладим. Битирув малакавий ишим икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми “Captive” автомобилнинг тормозланиш хусусияти таҳлил қилишга, иккинчи қисми эса “Captive” автомобилнинг асосий тормоз цилиндри ва вакуум кучайтиргичини биргаликда лойиҳалаш ва уни мустаҳкамликка ҳисоблашга бағишланган. Назариядан маълумки, ҳар қандай хусусиятларни таҳлил қилишда уларнинг ўлчов ва кўрсаткичларини билмасдан туриб, таҳлил қилиб бўлмайди. Шунинг учун атомобилнинг тормозланишини баҳолайдиган параметрларни ўрганиб чиқдим.

Тормозланиш хусусиятини баҳолаш кўрсаткичлари асосан синовчи ва кузатувчининг субъектив баҳоси билан баҳоланади. “Captive” автомобилнинг тормозланиш хусусияти таҳлил қилинди, яъни тормозланиш хусусиятини баҳолаш жарёнида автомобилнинг тезлигини, тормозланиш вақтга боғлаган ҳолда тормозланиш йўлини ҳисоблашдан иборат бўлди. Шунга қарамасдан Битирув малакавий ишимда менга берилган “Captive” автомобилнинг тормозланиш хусусиятини ҳисобладим ва унинг графигини чиздим.

Конструкторлик қисмида “Captive” автомобилнинг асосий тормоз цилиндри ва вакуум кучайтиргичини биргаликда лойиҳалашни кўриб чиқдим. Лойиҳалашдан олдин “Captive” автомобилни ўрганиб чиқдим, уларга қўйилган асосий тормоз цилиндри ва вакуум кучайтиргичини конструкциялари билан танишиб чиқдим “Captive”автомобилининг тормоз механизмларини лойиҳасини бажаришимиз давомида берилган конструкцияни тузилиши ва ишлаши жараёнини, унга таъсир қиладиган куч

Бажарди	Чориев Х.Ш.				
Раҳбар	Мухитдинов А				
Ўл	Вароқ	Хужжат.№	Имзо	Сана	Вароқ

ва моментларни аниқлаган ҳолда конструкция деталларини мустаҳкамликка ҳисоблашдан иборат бўлди.

Тормоз механизмидаги моментларини аниқлаш ва тормоз самарадорлик коэффиценти етарли даражада таъминланишини кўриб чиқдик. Шу билан бирга дискли тормоз механизми яъни “Captiva” автомобилининг дискли механизмларини ҳамда тормоз юритмасини, тормоз вакуум кучайтиргичларини ҳисоблашдан иборат бўлди.

Янги автомобилларни яратишда уларнинг афзалликлари ва мукамалликларини баҳолаш учун ишлаб чиқарувчи ва фойдаланувчи корхоналар учун умумий булган мезон ва улчагичлардан фойдаланилади. Хар қандай маҳсулот учун, шу жумладан автомобиль учун ҳам асосий мезон бўлиб унинг сифати ҳисобланади. Менга берилган битиру малакавий ишини электрон вариантда тайёлашимдан асосий мақсад, берилган конструкцияни яхши ўрганибгина қолмай, замонаий лойиҳалаш дастурларини ҳам ўзлаштириб, олган билимларим асосида БМИ чизмаларини АВТО САД дастурида чиздим, ҳисоб ишларимни эса Excel дастурида бажардим. Хулоса қилиб айтганда мен бу БМИ ни бажариш мобайнида устозларимдан ва турли адабиётлардан ўз билимимни янада бойитиб олдим. Бу менга кейинги иш фаолиятимда жуда керакли билим бўлади.

Бажарди	Чориев Х.Ш.					Вароқ
Раҳбар	Мухитдинов А					
Уш	Вароқ	Хужжат №	Имзо	Сана		

Фойдаланилган адабиётлар

1. “Жаҳон молиявий - иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” И.А. Каримов Тошкент-2009 йил
2. “Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисидаги қонун” Тошкент – 2007 йил
3. “Автомобиллар” Маматов.Х. Тошкент – 1998 йил
4. “Автомобилнинг эксплуатациавий хусусиятлар назарияси” Абдуазизов. Т. Жиззах – 2007 йил
5. “Анализ конструкций, элементы расчета” В.В. Осепчугов, А.К. Фрумкин. Москва-1989 йил
6. “Автомобили” А.И. Гришкевич Москва – 1985 йил
9. Лукин П.П, Гаспарянц Г.А, Родионов В.Ф. “Конструирование и расчёт автомобиля”. Москва – 1984 йил.
- 10 Осепчугов В.В., Фрумкин А.К. Рабочие процессы и расчет агрегатов Автомобиля. Учебное пособие. М.: МАДИ.- 1980.- 94 с.
11. Литвинов А.С., Фаробин Я.Е. Автомобиль. Теория эксплуатационных свойств. М.: Машиностроение.- 1989.- 240 с.
12. Р.В.Ротенберг. Подвеска автомобиля и его колебания. М.Машгиз, 1972. -354 с.
13. А.Д.Дербаремдикер. Гидравлические амортизаторў автомобилей. М.Машиностроение, 1969.-240 с.
14. А.С.Литвинов, А.К.Фрумкин, Р.В.Ротенберг. Шасси автомобиля, М. Машгиз, 1963.-504 с.
15. Б.В.Гольд. Конструирование и расчетў автомобиля. М.Машиностроение. 1962.-385 с.
16. В.Ф.Родионов, Б.М.Фиттерман. Легковўе автомобили. Машиностроение. 1972.-504 с.
17. В.В.Осепчугов. Автобусў. М., Машиностроение. 1971. -312 с.
18. И.Н.Успенский. Проектирование подвески автомобиля. Горький,

Бажарди	Чориев Х.Ш.				
Раҳбар	Мухитдинов А				
Уш	Варок	Хужжат №	Имзо	Сана	

Варок

$$v_{a4} = \frac{\pi \cdot n_e}{30 \cdot U_{kp}}$$

- Горьковский Политехнический институт, 1971.-254 с.
19. Я.М.Певзнер, А.М.Горелик. Пневматические и гидропневматические подвески. М.Машгиз, 1963.-320 с.
 20. Г.О.Равкин. Пневматическая подвеска автомобиля. М.Машиностроение, 1962.-215 с.
 - 21.Н.А.Бухарин, В.С.Прозоров, М.М.Хукин. Автомобили, Л. Машиностроение, 1973.-504 с.
 22. М.А.Машно, В.Н.Алексеев, Г.В.Мотовилин. Автомобильные материалы. М.Транспорт, 1971.-380 с.
 23. Краткий автомобильный справочник НИИАТ. М., Транспорт, 1984.-224 с.
 24. М.А.Кадурханов. Методическое указание к курсовому проекту «Подвеска автомобиля» Тошкент. ТАДИ. 1981.22 с.
 - 26.С.М.Қодиров, М.О.Қодирхонов “Двигатель ва автомобиллар назарияси”.
 27. “Транспорт воситаларининг тузилиши ва назарияси” Э.З. Файзуллаев. Тошкент-2005 йил
 - 28.Шасси автомобиля.Атлас конструкций .Машиностроение Москва -1977год.
 - 29.Қодирхонов М.О “Автомобилларнинг иш жараёни ва ҳисоблаш асослари” Тошкент – 2005 йил
 30. “Ўтириув малакавий ишени бажариш бўйича услубий кўрсатма” Тошкент-2008 йил.
 31. Луковников А.В. Мехнат муҳофазаси. Тошкент 1984 йил.
 - Сулла М.Б. Охрана труда. М. 1984 г.
 - 32 . Мехнат қонунчилигидан нималарни биласиз. А.Иноятов, К.Турсунов ва бошқалар. Тошкент 1990 йил.
 - 34“Мехнат ҳуқуқий энциклопедияси”. Тошкент -1981 йил.
 35. В.М.Саньков и другие. С 18 Курсовые и дипломное проектирование по Эксплуатации и ремонту мелиоративных и сиропителных машин,
 36. Интернет тармоғи

Бажарди	Чориев Х.Ш.				
Раҳбар	Мухитдинов А				
Уш	Варок	Хужжат №	Имзо	Сана	Варок